



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 11 февраль, №29 (3303) • Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодийetni янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этдики, 2003 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохот қилиш йўли изчил давом эттирилди, бунинг натижасида:

- макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланди. Ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 6,2 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоизга, пулли хизматлар кўрсатиш — 7,9 фоизга ўсди. Асосий сармоёга инвестициялар 4,5 фоизга ўсди. Республика ва маҳаллий бюджетлар харажатларининг барча моддалари амалда бажарилди. 2003 йилдаги Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз тақчиллик билан ижро этилди;
- бюджет ва солиқ сисъатини эркинлаштириш йўли изчил олиб борилди. Фойдадан олинмаган солиқ ставкаси 24 фоиздан 20 фоизгача, ижтимоий сугуртага ажратмалар 37,3 фоиздан 35 фоизгача пасайтирилди, солиқларнинг айрим турлари бекор қилинди. Фискал ун-диришлар даражаси 2002 йилдагига таққослаганда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 33,2 фоиздан 32,5 фоизгача камайди;
- пул-кредит сисъатини қатъийлаштириш, банкдан ташқари айланма қисқартириш ва пул массаси ҳажмини маъбуллаштириш чора-тадбирлари аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилди. Натижада ўртача йиллик пул массаси ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 10,9 фоизгача қисқарди;
- инфляция даражаси кескин пасайди ва 2002 йилдаги 21,6 фоиз ўрнига 2003 йилда 3,8 фоизни ташкил

этди. Аҳолининг реал даромадлари 12,3 фоизга, тижорат банкларидagi омонатларга депозитлар — 44 фоизга кўпайди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган кредитлар — 2,3 баравар ўсди;

- қатъий пул-кредит сисъати ҳамда айирбошлаш курсларини бирхиллаштириш ва валюта сисъатини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар таъминланди. Бу 2003 йилда жорий операциялар бўйича миллий валюта конвертациясини таъминлаш ҳамда Халқаро Валюта Жамғармаси Битимининг VIII моддасига қўшилиш имконини берди;
- ташқи иқтисодий фаолият фаоллашди. Ташқи савдо айланмаси ҳажми 17,3 фоизга, экспорт ҳажми — 24,6 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмасида 760 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда ижобий сальдога эришилди;
- фаол, пухта ўйланган инвестиция сисъати амалга оширилди. 2003 йилда мамлакат иқтисодиётига қарий 2 триллион сўм инвестиция қилинди, бу 2002 йилдагига қараганда 4,5 фоиз кўпдир. Капитал қўйилмалар таркибига марказлаштирилмаган инвестициялар улуши 2002 йилдагига таққослаганда 57 фоиздан 63 фоизгача ўсди;
- расман хусусийлаштиришдан реал хусусийлаштиришга ўтиш, унинг механизмини тақомиллаштириш юзасидан аниқ қадамлар қўйиш таъминланди. 2003 йилда 2015 объект ва акциялар пакетлари сотилди, бу 2002 йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўпдир. Собиқ давлат мулки негизида 980 тадан ортиқ хусусий

корхона ва 400 га яқин мулкчиликнинг бошқа нодавлат шаклларидаги корхоналар ташкил этилди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳажми бир йилда 1,3 баравар ўсди, шу жумладан мол-мулкни хоржий инвесторларга сотишдан тушум 3,4 баравар кўпайди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил ривожланди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35,5 фоизга өтди. Кичик бизнес корхоналарида ишлаётганлар салмоғи иқтисодиётда банд бўлганлар жами сонининг 57,0 фоиздан кўпрогини ташкил қилди;
- 98,6 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 143 академик лицей ва касб-хунар коллежлари, 22,1 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган умумтаълим мактаблари, кунига 14,5 минг беморга хизмат кўрсатадиган кишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди. Кишлоқ аҳолисининг ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланганлик даражаси ошди.
- Шу билан бирга, иқтисодиётни ислох қилишга доир қўйилган вазифаларнинг барчаси ҳам ўзининг тўлиқ мантқий яқини толмади: корхоналарни хусусийлаштириш дастурлари топширилди, айниқса, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзавтосаноат" уюшмаси, "Ўзқишлоқхўжалиқ-холдинг" холдинг компанияси, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси тизимида, шунингдек Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари корхоналари бўйича бажарилмади. Акцияларнинг давлат пакетларини профессионал бошқарувчи компанияларга ишончи бошқарувга бериш ишлари суи ташкил

этилган. Акциялар пакетларини инвестиция мажбуриятлари остида бепул беришда ортиқча эҳтиёткорлик намоён бўлмақда;

- капитал қурилишда ислохотлар жараёни суи амалга оширилмоқда, пудрат ва лойиҳалаш ишларининг самарали бозори ташкил этилмаган, лойиҳа-қидирув ташкилотларини хусусийлаштириш қонирқарисиз бормоқда;
- қишлоқда шартнома интисоми пастлигича қолмоқда, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан этиштирилаётган кишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини тайёрлашнинг амалий тизими яратилмаган;
- хўжалиқ бошқарувида маъмуриятчилик усуллари бартароф этилмаган, биринчи навбатда, хомашё ва материаллар асосий турларини тақсимлашда маъмуриятчилик сақланиб қолмоқда, товар-хомашё биржалари фаолияти қонирқарисиз ташкил этилган, уларнинг айланмалари даражаси пастлигича қолмоқда;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси зарур даражада ривожлантирилмади, кишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш даражаси пастлигича қолмоқда;
- умумтаълим мактабларининг ҳолатини ва, биринчи навбатда, уларнинг моддий базасини қонирқарисиз деб бўлмади.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалиқ бирлашмалари ўн кун муддатда минтақаларда, тармоқларда ва иқтисодиёт секторларида иқтисодий ислохотлар яқунларини танқидий кўриб чиқсинлар, нуқсонлар ва камчиликлар бартароф этилишини таъминловчи зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар.

3. Қўйидагилар 2004 йилдаги асосий устувор йўналишлар деб ҳисоблансин:

- капитал қурилишда, кишлоқ хўжалиғида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида бошланган иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, уларни изчил ва мантқий давом эттириш;

(Давоми 2-бетда)



Янги қўшма корхона

Италия ва Европанин бошқа мамлакатлари дўконларида яқинда "Made in Uzbekistan" тамғаси билан чиройли шойи галстуклар пайдо бўлади. Тошкентда "Ўзбек итаги" уюшмаси ва Италиянинг "Giorgio Giannola & C.S.p.A." ҳамда "Finitergo" компаниялари томонидан тавсис этилган "Regiah Silk Ltd" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси шундай галстуклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Корхонанин очилишига бағишланган маросимда вазирликлар, идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирли ўринбосари М.Усмонов ўз сўзида янги қўшма корхона мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятига яққол мисол эканини қайд

қилади. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш, халқаро савдо бозорларига чиқиш иқтисодий туз ўзгаришларни амалга оширишда устувор йўналиш ҳисобланади.

Тадбирда сўзга чиққан Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анжелло Персинани бундай дўстона мамлакатда кичик саноатни ташкил этиш муҳимлигини қайд этди. Бой тўқимачилик тарихига эга Италиянинг хусусий бизнес вакиллари республикамизда шундай ишлаб чиқаришни ташкил этишдан жуда манфаатдор. Мазкур тар-

(Давоми 2-бетда)

Анжуман Мурувват ёшлар қалбини безайди

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кенгайтирилган хайъат мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Унда Бош вазир ўринбосари С. Иномова, республика «Оила» илмий-амалий маркази бошлиғи В. Каримова ва олий ва ўрта махсус таълим вазирли С.Ғуломов маъруза қилдилар. Мажлисда «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастури асосида олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар доирасида республика «Оила» илмий-амалий маркази ва «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари ҳамда «Меҳр-мурувват уйлари» билан ҳамкорликда ишлашга келишиб олинди. Маърузаларда олий ва ўрта махсус таълим тизимида ёшларимиз онги ва қалбида меҳр-мурувватларни юксак инсоний фазилатларни камол топтириш таълимнинг муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди.

Мажлисида «Олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорликлари ҳақида»ги масала ҳам муҳокамадан ўтди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В.Норвўз ўз фикрлари билан иштирок этди.

Мажлис кун тартибиде «Техник олий таълимни тақомиллаштириш концепцияси» масаласи ҳам бор эди. Бу масала юзасидан олий таълим муассасалари ректорларидан К. Аллаев, Р. Тожиев, Х. Аҳмадуллоев, Б. Раимов ва Ўзбекистон Миллий университети проректори Х. Тўйчиев сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

М. САФАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
ҚАРОРИ

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш қақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.
- Ўзбекистон Республикаси Хукумати (Ш.Мирзиёев) ўз қарорларини «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.
- Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №6, 252-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №6, 253-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №1-2, 23-модда) 1 бўлимининг 6-банди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
З. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

АХБОРОТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Халқ сўзи» ва «Народное слово»
газеталари
2004 йил

режими қўйидагиларни белгилувчи нормалар билан аниқланади:

- ахбороти ҳужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш тартибини;
- ахборот ресурсларига ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқини;
- ахборот ресурсларининг улардан эркин фойдаланиш даражаси бўйича тоифасини;
- ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш тартибини;
- ахборот тизимларининг тармоқлараро улашини тартибини.

8-модда. Ахборотни ҳужжатлаштириш
Ахборотни ҳужжатлаштириш ахбороти ахборот ресурсларига киритишнинг мажбурий шартидир. Ахборотни ҳужжатлаштириш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсларида сақланмаган ва ишлов бериладиган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ахборот электрон ҳужжат бўлиб, қоғоз ҳужжат билан бир хил юридик қучга эга.

Электрон ҳужжатни ва электрон рақамли имзонини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар қонун билан тартибга солинади.

9-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқини
Ўзбекистон Республикасида ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари оммавий ҳамда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келишига қўйидагилар асос бўлади:

- ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимларининг давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ёки қонун ҳужжатлари билан тақинланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилиши;
- ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқининг ўзга шахсга ўтиши шартларини ўз ичига олган олд-соти шартномаси ёки бошқа битим; мерос олиш.

Қонунда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқи вужудга келишининг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

10-модда. Давлат ахборот ресурслари
Давлат ахборот ресурслари қўйидагилардан шакллантирилади:

- давлат органларининг ахборот ресурсларидан;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган ахборот ресурсларидан;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат сирлари ҳамда махфий ахборотини ўз ичига олган ахборот ресурсларидан;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибда тақдим этиладиган ҳужжатлаштирилган ахборотидан;
- юридик ва жисмоний шахслар ҳужжатлаштирилган ахборотини давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун тегишли давлат органларига белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.
- Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳужжатлаштирилган ахборотини мажбурий тақдим этиши тартиби, давлат

ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш учун маълум давлат органларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат сирлари ва махфий ахборот жумласига киритилган ахборотни тақдим этиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

11-модда. Ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тоифалари
Ахборот ресурслари улардан эркин фойдаланиш тоифалари бўйича ҳамда эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларига ва эркин фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига бўлинади.

Чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган ахборот ресурслари ҳамда эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидир.

Давлат сирлари тўғрисидаги ахборотини ва махфий ахборотини эркин фойдаланиши ахборот ресурсларининг мулкдорлари томонидан чеклаб қўйилган ахборотини ўз ичига олган ахборот ресурслари эркин фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига кирди.

Ахборот ресурсларининг мулкдорлари ва эгалари ҳамда эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидан юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг тенг ҳуқуқ асосида эркин тарзда фойдаланишини таъминлаши керак.

Ахборот ресурсларини эркин фойдаланиши тоифаларига киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот ресурсларининг мулкдори томонидан аниқланади.

12-модда. Ахборот ресурсларидан фойдаланиш
Ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга, эркин фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборот ресурслари бундан мустасно.

Ахборот ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган тартибда ҳақ олиниши мумкин.

Ахборот билан таъминлашга доир ахборот ва хизматлар рўйхатларини, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тартиби ҳамда шартлари ҳақидаги маълумотларни ахборот ресурсларининг мулкдорлари ва эгалари фойдаланувчиларга бепул тақдим этади.

Юридик ва жисмоний шахслар қонун асосларида ахборот ресурсларидан ўзлари олган ахборотдан ахборот манбаини албатта ҳавола этган ҳолда ҳосилла ахборот яратиш учун фойдаланиши мумкин.

Ахборот ресурсларидан ахборот олиш тартибини ахборот ресурсларининг мулкдори ёки эгаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда аниқлайди.

13-модда. Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари
Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборот махфий ахборот тоифасига кирди.

14-модда. Ўзлари тўғрисидаги маълумотларини ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жис-

Янги кўшма корхона

(Давоми. Боши 1-бетда).

моқ истикболга бўлиб, кейинчалик "Regiah Silk Ltd" кўшма корхонасидан сўнг Ўзбекистон бозорига бошқа италиялик сармоядорлар келишига умид қатта.

Бутун дунёда италияликлар тўғрисида гап-сўз бўлиб келибди. Бундан кўра, италияликлар юқори баҳоланади ва улар бизнеснинг бу тармоғини яхши тушунади. Италиялик ҳамкорлар Тошкентда ана

Маҳалли мутахассисларнинг айтишича, улар кўшма корхонани ташкил этишда катта тажрибага эга хорижий шериклари иш услубини ўзлаштиришга интилиб, кўп эрлик миллий анана-

ларимизни ҳам унутмасликка ҳаракат қилиши.

Хар бир галстукнинг расмлари италиялик дизайнерлар томонидан батафсил ишлаб чиқилмоқда. Мижозларнинг эҳтижларини тўлиқ қондирадиган ранглардаги маҳсулот тақдир этилмоқда. Кўшма корхонанинг яна бир ўзига хос хилати шундаки, унинг ҳодимлари яхши тайёргарликдан ўтган бўлиб, уларни ўқитиш учун Италиядан йигирмадан ортиқ мутахассис тақдир этилган.

Луизи Ремижо айтдики, "Regiah Silk Ltd" корхонаси маҳсулотини сотиш масаласида Ўзбекистонлик ва хорижий тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Кўшма корхона аънаваний услубдаги галстуклар ҳамда корхона ва ташкилотлар, харбийлар ҳамда ўқув юрталари учун галстукларини ишлаб чиқаришга буюртмаларни ҳам бажара олади.


Авалгаги маҳсулотнинг муайян қисми Марказий Осиё мамлакатлари, Италия, Россия, Европа мамлакатларига экспорт қилинади, катта қисми аса ички бозорда сотилади. Келгусида маҳсулот турларини кўпайтириш режалаштирилмоқда. Бинолар ички қисмининг пардозлаш учун турли матолар ишлаб чиқарилади.

Маросим якунида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган чиройли ва бежирим галстукларнинг ўнлаб турлари намойиш этилди.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

СУРАТЛАРДА: янги корхона ҳаётидан лавҳалар.

Дилшод ЮСУПОВ
олган суратлар.



шундай ишлаб чиқаришни ташкил этишга қарор қилгани ҳам бежиз эмас. Чунки Ўзбекистонда қадимдан бирламчи хомашё — юқори сифатли ипак ишлаб чиқарилган. Бунинг устига, кўшма корхона таъсисчиларидан бири Луизи Ремижонинг сўзларига кўра, пойтахтимизда инфрақурилиш — транспорт, коммуникация, банк тизими, хизмат қўрувчи ташкилотлар ҳам яхши ривожланган. Буларнинг барчаси ўз сарф-харажатларини тежасли лозим бўлган кичик корхона учун жуда муҳим. Италиялик бизнесмен корхона ишчилари ишга виждонан ёндашиши муҳимлигини ҳам айтиб ўтди.

"Regiah Silk Ltd" кўшма корхонаси — юқори технология ва кўл меҳнати уйғунлиги талаб қилинадиган шойи галстуклар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона корхона. Кўшма корхона менежерлари қизиқариб реклама тайёрлади: 350 000 000 ипак куртини боқиб ва етиштириш учун 525 000 килограмм тут барги керак бўлар экан. Бу йил билан 52500 килограмм пилла ва ундан 7875 килограмм ипак хомашёси олинади. Тўлиқ қайта ишланган хомашёдан 72540 метр мато чиқади. Кўшма корхона мутахассислари бу матодан йилга 350 минг донга галстук ишлаб чиқаради.

Дарвоқо, мато яхши галстукнинг энг муҳим белгиси саналади. Галстуклар учун мато 100 фоиз табиий ипакдан тайёрланади. "Regiah Silk Ltd" мутахассислари сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун

Дарвоқо, мато яхши галстукнинг энг муҳим белгиси саналади. Галстуклар учун мато 100 фоиз табиий ипакдан тайёрланади. "Regiah Silk Ltd" мутахассислари сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш йўлини давом эттириш, ҳўжалик юртуви субъектлари учун солиқ "юки"ни камайтириш; хусусийлаштириш жараванларига янги раивож бахш этиш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги қўлими ва улушини кенгайтириш;

қишлоқ ҳўжалигида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, шартнома интизомини мустаҳкамлашга, фермер ва деҳқон ҳўжаликларини томонидан етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш тизимини ташкил этишни яхшилашга йўналтирилган бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш;

давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини кескин қисқартириш ва чеклашга қаратилган маъмурий ислохотларни амалга ошириш, бошқарув тизимини ва тизимини тубдан ўзгартириш, бошқаруving зарур бўлмаган бўғинларини тугатиш;

тақсимлаш тизимининг эски маъмурий-бўйруқбозлик, марказлаштирилган тизимини тугатиш, моддий ресурсларни биржалар, ким ошди савдолари, ярмарка савдолари орқали сотишнинг бозор механизминини янада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантиришни рағбатлантириш, иқтисодиётни ривожлантиришга, иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва аҳоли даромадларини оширишда уларнинг ролини кучайтириш;

хизмат қўрувчи ва сервис соҳасини, айниқса қишлоқ жойларда жадвал ривожлантириш; умумтаълим мактаблари, умумий тарб таълим тизими тармоқларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

"Меҳр ва мурувват йили" комплекс дастурини амалга ошириш бўйича ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш.

4. Қўйдлашларининг: "Ўзлехсанот" (Умаров), "Ўзвасанот" (Париев) уюшмалари, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси (Азизов), "Ўзқишлоқҳўжалик-холдинг" холдинг компанияси (Матчонов), Жиззаж (Яманкулов), Сирдарё (Хайдаров) ва Фаргона (Отбаев) вилоятлари ҳокимликлари

раҳбарларининг эътибори — улар томонидан 2003 йил учун хусусийлаштириш дастурларида назарда тутилган корхоналар давлат активларини сотиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар қўрилмаганлигига;

"Агромашсервис" (Нишонов), "Ўзбек ипаги" (Умаров), "Ўзпахтасаноат" (Зикриёев) уюшмалари, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси (Раматов), "Ўздонмаҳсулот" давлат корпорацияси (Нажмиддинов), Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги (Жўраев) раҳбарларининг эътибори — акциядорлик жамиятлари устас фондларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларга етказиш ёхуд уларни бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллarga айлантириш бўйича ишларнинг етарли эмаслигига қаратилсин.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда бир hafta мuddатда 2003 йилда хусусийлаштириш ва давлат активларини сотиш бўйича топширқларининг бажарилиши якунларини таҳлил қилинсин, йўл қўйилган қолоқликни ҳисобга олган ҳолда 2003-2004 йиллар учун белгиланган дастурлар топширқларининг тўлиқ бажарилишини таъминловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқинлар ва тасдиқласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси (Аскарлов) Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова) билан биргаликда бир hafta мuddатда 2003 йилда инвестиция мажбуриятлари остида бепул бериш мақсадда мувофиқ бўлган корхоналар ва объектларнинг қўшимча рўйхатини Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий мониторинг ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг (Аскарлов) эътибори қимматли қозғолар иқтисодиёт бозорини ривожлантириш ва акциялар давлат пакетларини бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга бериш ишларининг етарли эмаслигига қаратилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Умумий Иқтисодиёт комплекси

(Азизов) Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда қимматли қозғоларнинг реал, фаол фаолият қўрувчидаги иқтисодиёт бозорини ташкил этиш, фонд бозорини операцияларини ўтказишда ҳаражатларни қисқартириш, қимматли қозғолар бозорини дахот қўрувчи ва тарқатишнинг ягона тизимини барпо этиш, профессионал бошқарувчи компанияларни жадвал ташкил этиш бўйича тақдирларни ишлаб чиқин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Бош вазир (Мирзиёев), Умумий Иқтисодиёт комплекси (Азизов) барча манфаатдор тизимлар билан биргаликда бир ой мuddатда биржа савдосидаги ишларнинг аҳолини чуқур ўрганиб чиқинлар ва товар-хомашё биржалари фаолиятини тубдан яхшилаш бўйича аниқ тақдирлар киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Давлат мулки қўмитаси (Яковлев) манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда моддий-техника ресурсларининг асосий турларини биржа ва ярмарка механизмлари орқали, шунингдек ўртача биржа нархлари билан тўғридан-тўғри шартнома бўйича лимитсиз сотиш тартиби механизмлари ишлаб чиқилиши ва амалда жорий этилишини таъминласинлар.

9. Капитал қўрулишидаги ислохотларни жадваллаштириш учун Вазирлар Маҳкамасининг Қўрулиш, қўрулиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал ҳўжалиги ва транспорт комплекси, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қўрулиш қўмитаси (Тохтаев)

Давлат мулки қўмитаси (Аскарлов) билан биргаликда зарар қўрулиш ишлаб чиқариш иқтисодий ночор пудрат қўрулиш ташкилотларини хусусийлаштириш ва тугатиш, лойиҳалаш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш, пудрат ва лойиҳалаш ишларининг тўла қимматли бозорини яратиб жараёнини 2004 йилда тўлиқ тугалласинлар; қўрулиш ва лойиҳалаш ишларини бажариш зўрасидан буюртмаларни жойлаштириш бўйича танловлар, тендер савдолари ўтказиш даражасини оширсинлар ва бунда маъмуриятчиликка барҳам берсинлар;

қўрулишда лойиҳалаш, смета ва технология интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини қўрулиш, капитал қўрулишда смета-норматив базани ва ҳисоб-китобларни бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ тўлиқ янгилашсинлар, бунда қўрулиш сифатини оширишни ва қўрулиш смета қийматининг сунъий равишда ошириб юборилишига йўл қўймасликни назарда тутсинлар, жойларда ягона бюджет буюртма қизматлари ташкил этилишини тугалласинлар;

Иқтисодиёт вазирлиги (Азизов), "Ўзуқурилишматериаллари" компанияси (Аскарлов) билан биргаликда икки ой мuddатда мамлакатимиз корхоналарида юқори технологияли пардозлаш қўрулиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни янги дастурини ишлаб чиқинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар, унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Азизов), Марказий банк (Муллажонова), Молия вазирлиги (Нурмурадлов) 2004 йил 1 чораги охиригача объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қўрулиш амалга оширишда пудрат ташкилотларига кредит беришнинг бозор механизмининг ишлаб чиқинлар ва жорий қилинсинлар.

10. Вазирлар Маҳкамаси (Мирзиёев) барча манфаатдор идораларни жалб этган ҳолда бир ой мuddатда фермер ва деҳқон ҳўжаликларини томонидан етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш тизимини ташкил этиш бўйича ишларнинг аҳолини муфассал қўрувчи қизми ва уни тубдан яхшилаш зўрасидан аниқ тақдирлар киритсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Полон-зода) фермер ҳўжаликларини билан қишлоққа хизмат қўрувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг, айниқса фермерларга минерал ўғитлар ва ёнгилайлаш материаллари етказиб бериш зўрасидан тузилган шартномаларнинг бажарилишини алоҳида назоратга олсин ва айбдор шахсларга нисбатан энг қатъий чораларни қўрусин.

12. Маъмурий ислохотлар бўйича Республика комиссияси (Азизов) барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар билан биргаликда маъмурий

ислохотларни амалга оширишга доир ишларни пухта ташкил қилинсин, бунда: давлат бошқаруви органларининг янги ташкилий тузилмалари ва марказий аппаратлари тузилмалари ҳамда уларнинг низомилари маъмурий ислохотларнинг асосий принципларига мувофиқ қайта қўрувчи қилиниши; ҳўжалик бошқаруви органларини тугатиш, қайта ташкил этиш ва улар томонидан фақат муассислар берган ҳўжалик функциялари бажарилишини назарда тутуви устаслари қайта тасдиқласинлар;

Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2004 йил 1 чораги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

13. Кичик ва хусусий тадбиркорлик рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши (Азизов) Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси (Собинов); Адлия вазирлиги (Полон-зода), "Ўзстандарт" агентлиги (Бўриев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига: мулкчиликнинг барча шаклларидаги ҳўжалик юртуви субъектлар тадбиркорлик фойдаланишини кенгайтириш, улар учун инвестиция кредитлари ва лизингининг янада жалб қилувчи механизмни жорий этиш бўйича; тадбиркорларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятларини аниқ тушутириб берадиган норматив ва маълумотнома ма-

мулкчиликнинг барча шаклларидаги ҳўжалик юртуви субъектлар тадбиркорлик фойдаланишини кенгайтириш, улар учун инвестиция кредитлари ва лизингининг янада жалб қилувчи механизмни жорий этиш бўйича; тадбиркорларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятларини аниқ тушутириб берадиган норматив ва маълумотнома ма-

мулкчиликнинг барча шаклларидаги ҳўжалик юртуви субъектлар тадбиркорлик фойдаланишини кенгайтириш, улар учун инвестиция кредитлари ва лизингининг янада жалб қилувчи механизмни жорий этиш бўйича; тадбиркорларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятларини аниқ тушутириб берадиган норматив ва маълумотнома ма-

мулкчиликнинг барча шаклларидаги ҳўжалик юртуви субъектлар тадбиркорлик фойдаланишини кенгайтириш, улар учун инвестиция кредитлари ва лизингининг янада жалб қилувчи механизмни жорий этиш бўйича; тадбиркорларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятларини аниқ тушутириб берадиган норматив ва маълумотнома ма-

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ
АХБОРОТЛАШТИРИШ Тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади
Ушбу Қонуннинг мақсади ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.
Агар Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилгандан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар
Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
ахборотлаштириш — юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтижларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шартин яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни;
ахборот ресурси — ахборот тизими таркибидagi электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси;
ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдори — ахборот ресурсларига ёки ахборот тизимларига эгаллик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;
ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг эгаси — қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдорининг томонидан белгиланган ҳўқуқлар доирасида ахборот ресурсларига ёхуд ахборот тизимларига эгаллик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;
ахборот технологияси — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган асосий услублар, қўрулмалар, усуллар ва жараёнлар;
ахборот тизими — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

4-модда. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сивсати
Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сивсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2004 йил 7 февраль.

Киркиш чизиги

15-модда. Миллий ахборот тизими
Миллий ахборот тизимини давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва худудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари кирдири.

Миллий ахборот тизими давлат бюджетни маблағлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбаелар ҳисобидан яратилади.

Миллий ахборот тизими унинг таркибига кирувчи ахборот тизимларининг халқаро ахборот тизимлари билан бир-бирига мослигини ҳисобга олган ҳолда яратилади.

Миллий ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда ахборот алмашиш шартнома асосида амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

16-модда. Ахборот тизимларидан битимлар тузишда фойдаланиш
Юридик ва жисмоний шахслар ўртасида битимлар тузишда ахборот тизимларидан фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

17-модда. Ахборот тизимларининг техника воситаларини сертифицилаштириш
Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертифицилаштириши керак.

Давлат органлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва худудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки махфий ахборотини ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мулжалланган техника воситалари, шунингдек маъмур тизимларини муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертифицилаштирилиши лозим.

18-модда. Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши
Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашиш учун амалга оширилади.

Белгиланган нормалар ва қондаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари таъминлайди.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланишини амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли орган томонидан

19-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш
Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш куйидаги мақсадларда амалга оширилади: шахс, жамият ва давлатнинг ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш;
ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбақлаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рўхсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш;
ахборотни йўқ қилиш, тўсиб қилиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир рўхсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралашиларнинг олдини олиш;
ахборот ресурсларидаги мажбур давлат сирлари ва махфий ахборотини сақлаш.

20-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилинишини ташкил этиш
Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан байрқоний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаш шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

21-модда. Халқаро ахборот тармоқларига улашиш
Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўз ахборот тизимларини халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улаши мумкин.

Эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларини ўз ичига олган ахборот тизимларининг халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига улашиш фақат зарур муҳофаза чоралари қўрилгандан кейин амалга оширилади.

22-модда. Низоларни ҳал этиш
Ахборотлаштириш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23-модда. Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик
Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 декабрь.

3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова бошчилигидаги делегация Хиндистонда бўлди.

Хинд заминидаги учрашувлар


Хиндистон Республикаси парламентининг юқори палатаси - Ражья Саба раиси ўринбосари Н. Хептулла хоним билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва уларнинг самараси хусусида сўз кетди.

Бунда, айниқса, Олий Мажлисининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти, инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича саъй-ҳаракатлар, оналик ва болалик муҳофазаси билан боғлиқ масалаларга алоҳида аҳамият берилди. Н. Хептулла хоним Ўзбекистон билан дўстона муносабатларни янада ривожлантириш, жумладан, парламентлараро алоқалар кўламини кенгайтиришдан Хиндистон манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Хиндистон Коммуникациялар ва ахборот техно-

логиялари давлат вазири Шри Тирунавукарасар билан мулоқот диққат марказида ахборот технологиялари соҳасидаги мамлакатлараро ҳамкорликка оид масалалар турди.

Ўзбекистон парламент делегациясининг хинд дёрига сафари бундай учрашувларга бой бўлди. Хиндистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Р. Абыянкар, Дехли шаҳри Бош вазири Ш. Дикшит хоним, Хиндистон Болалар саломатлиги кенгаши президенти А. Дамодаран



хоним, Хиндистон Ижтимоий фанлар тадқиқотлари кенгашининг раиси Шри В. Панчмуқи, Ражастон штати Бош вазири В. Р. Синдид ва Карнатака штати Бош вазири С. М. Кришна билан мулоқотлар чоғида турли соҳаларда ривожланиб бораётган ўзбек-хинд муносабатларининг истиқболлари хусусида фикр алмашилди.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Дехли.

Москва метросидаги қўпурувчилик тафсилотлари аниқланмоқда

Хабарингиз бор, ўтган жума кuni Россия пойтахти Москва шаҳри метросида портлаш содир бўлган. Унинг оқибатида 39 нафар киши оламдан ўтди, 140 нафар киши жараҳатланди.

Россия федерал хавфсизлик хизмати мазкур портлаш бўйича қидирув ишларини давом эттирмоқда. Хизматнинг жамоатчилик билан алоқалар маркази бошлиги Сергей Игнатенконинг хабар қилишича, айти пайтда метродаги ҳодиса бўйича террорчилик ҳамда тўсатдан портлаш каби икки тахмин ўрганилмоқда.

— Қидирув ишлари давом этмоқда, аммо ҳозирча жиноятни амалга оширган шахслар ҳақида аниқ бир гап айтишга ҳали эрта, — деди Игнатенко. Шунингдек, Сергей Игнатенко портловчи модда тўсатдан ҳаракатга келган, деган тахмин ҳам ўрганилаётганини эслатиб, қўпурувчи-

ликни ҳеч ким зиммасига олмаганини қайд этди.

Британиянинг The Sunday Times газетасининг ёзишича, Москвадаги портлашга саудиялик террорчи Абу ал Валид ал Ҳомидий дахлдор бўлиши мумкин.

Москва шаҳар мэри Юрий Лужков хабарларга таяниб журналистларга берган маълумотида, террорчиликни уч киши амалга оширганлигини қайд этди.

Унинг айтишича, портлаш ердан 50 сантиметр бандликда содир бўлган, демек портловчи моддани кимдир қўлида ушлаб туриб, ҳаракатга келтирган.

Маълум бўлишича, портловчи модда — гексоген, тротил ва селитрадан ясалган.

Сўнгги хабарларга қараганда, ҳалок бўлганларнинг энг кичиги 18 ёшда, энг қариси эса 57 ёшда бўлган.

Германия канцлери Герхард Шрёдер мамлакат Социал-демократик партияси раҳбарлигидан кетишини маълум қилди. Кузатувчиларнинг фикрича, бунга партиянинг аҳоли орасидаги обрўйи пасайиб бораётгани, хусусан, мамлакатда ҳукумат олиб бораётган иқтисодий ислохотларнинг танқидга учраши сабаб бўлди.

Канцлер партия етакчилигидан кетмоқчи

Шрёдер 1999 йилда партия сайловларида рақиби, ўша пайтдаги молия вазири Оскар Лафонтен устидан ғалаба қозониб партия етакчисига айланган. У ўтган йили парламент томонидан мамлакатда ислохотлар ўтказиш режасини маъқуллашига эришди. Мазкур ислохотларнинг асосий йўналишлари — ижтимоий кўмакни камайтириш ва солиқ соҳасини либераллаштиришдан иборат эди.

Шунингдек, ислохотларда соғлиқни сақлаш, пенсия соҳасидаги энгилликларни қайта қўриб чиқиш каби фуқароларга ҳуш келмайдиган чоралар ҳам кўзда тутилган.

Бу йўналишлари ўз навбатида Германия қасаба уюшмалари (улар мамлакатда катта обрўга эга) ва сўл руҳдаги социал-демократлар томонидан қаттиқ танқидга учради. Бундан ташқари Герхард Шрёдер Маҳкамаси томонидан таклиф этилган ушбу радикал ислохотлар кенг жамоатчилик ўртасида ҳам катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Аммо ҳукумат ўз режасини амалга оширишда қатъий эканини билдирди. Мамлакатда ҳозирги кунда қарийб 4 миллион ишсиз борлиги ҳам бундай ислохотларни ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ҳатто, янги йилдан бирмунча аввал ҳукумат ўз сиёсатини оммага тўлиқроқ тушунтириш мақсадида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳам амалга оширишга ҳаракат қилди. Масалан, кўчаларда тарқатилган варақаларда ислохотларнинг тўб моҳияти ҳамда уларнинг келажакдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилган эди.

Шунга қарамай, ҳукумат-




нинг, бунинг оқибатида партиянинг ҳам халқ орасидаги обрўйи пасайиб бормоқда. Партия мамлакатнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтган сайловларда мағлубиятга учрай бошлади. Сўнгги йил ичида эса партиянинг сафи ўн минглаб кишига камайди.

Айтиш лозимки, Шрёдер Социал-демократик партия етакчилигидан воз кечгани билан, у мамлакат канцлери лавозимида қолади. Маълумотларга қўра, Шрёдер СДПдаги бу лавозимни партиянинг бундестаг (парламент)даги фракцияси раҳбари Франц Мюнтферрингга топширмоқчи.

Герхард Шрёдер ҳамон ўз қарашларидан воз кечгани йўқ ва юқорида қайд этилган ислохотларни амалга ошириш зарур эканлигини таъкидламоқда. Канцлернинг айтишича, мазкур ислохотлар мамлакат иқтисодиёти учун Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги каби жуда муҳимдир.

Сиёсатдонларнинг фикрича, Шрёдернинг партия раҳбарлигидан кетиши, сафдошлари танқидларини қабул қилгани ва унинг ислохотларни ҳаётга татбиқ қилишга янада жиддийроқ киришмоқчи эканидан далолатдир.

Салим ДОНИЁРОВ.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Гиж-гижлаш режаси

Америкалик ҳарбийлар «Ал-қоида» террорчилик ташкилотининг Ироқда суннийлар ва шиалар ўртасида фуқаролик урушини келтириб чиқаришга қаратилган режа ёзилган ҳужжатни қўлга киритдилар.



Маълумотларга қараганда, 17 саҳифадан иборат режа «Ал-қоида»нинг раҳбарларидан бири, иорданиялик Абу Мусоб Аз Зарқадий томонидан ёзилган. Ҳужжатда ёзилишича, Ироқда фуқаролар уруши келтириб чиқариш учун шиалар етакчилирига ҳужум уюштириш режалаштирилган. Улар эса буни суннийлардан қўриб, уларга қарши кўтарилади.

Номзодлар кўрсатилди

Грузия президенти Михаил Саакашвили парламентга мамлакат Бош вазири вазифасига Зураб Жвания, Давлат хавфсизлиги вазирлигига эса айти пайтда Грузия адлия вазири лавозимида ишлаётган Зураб Адеишвилининг номзодини таклиф этди.

Шунингдек, Саакашвили мамлакатда президент ва ҳукумат маъмуриятлари ҳам ташкил этилаётганини маълум қилди.

Қуроли кўзғолон

Гаитининг гарбий ва шимолий ҳудудларида давом этаётган қуроли кўзғолонлар мамлакатнинг 11 та шаҳарини қамраб олди. Айти пайтгача мамлакат президенти Жан Бертран Аристидга қарши кучлар ҳамда тарафдорлар ўртасидаги тўқнашувлар натижасида 42 киши ҳалок бўлган.

Кўзғолончилар Жан Бертран Аристидни коррупцияда ва инсон ҳуқуқларини бузганилида айблаб, мамлакатда янги президент сайловлари ўтказишни талаб қилишмоқда.

Уюшган жиноятчиликка йўл йўқ

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр мамлакатда миллий миқёсда уюшган жиноят билан курашуви ҳуқуқ-тартибот органи тузилишини маълум қилди.

Маълумотларга қараганда, янги орган одам ўғирлаш, гиёҳванд моддалар контрабандаси ва юқори технологиялардан фойдаланиб жиноятлар содир этувчиларга қарши фаолият юритади.

Сув тошқини

Қозоғистондаги Қизил Ўрда шаҳри яқинидаги дарёда сув кўпайиши натижасида химоя тўғонлари бузилиб кетди. Сув тошган ҳудудлардан 625 киши кўчирилган. Бу ҳақда мамлакат сув хўжалиги вазирлиги қошидаги сув ресурслари қўмитаси раиси Анатолий Рябцев маълум қилди.

Рябцев вазиятнинг жиддийлигини айтиб, ҳозир ҳаммаси назорат остида эканини қайд этди.

300 миллион доллар зарур

Афғонистон ҳукумати мамлакатда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашишга бағишланган халқаро конференция ўтказди. Айти пайтда афғон ҳукумати вакили шу масалада Буюк Британия ҳукуматига мурожаат қилди. Вақилнинг айтишича, мамлакатда гиёҳванд моддалар савдосига қарши етарлича кураш олиб бориш учун камида 300 миллион АҚШ

доллари зарур бўлади.

Музокаралар жонланди

Жанубий ва Шимолий Корея 25 февраль кuni Пекинда Хитой, Россия, АҚШ ва Япония вазирлигидан музокаралар ўтказди. Музокараларнинг асосий мавзуси Корея ярим оролида вужудга келган танг вазиятдан чиқиш йўларини қидириш ва икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. Жанубий Корея ва КХДР ҳукуматларининг икки томонлама учрашувларидан кейин шунга келишиб олинди. Шунингдек, учрашувда икки мамлакат ҳарбий вакиллари чегарани демилли-

таризациялаш масаласини кўриб чиқишди. КХДРга нефть маҳсулотларининг кириб келишини йўлга қўйиш ва иқтисодий санкцияларни олиб ташлаш эвазига Пхеньян ўз ядровий дастуридан воз кечди. АҚШ эса юқоридаги шартларнинг бажарилишини таъминлайди. Бундан ташқари, Пхеньян

АҚШдан ҳужум қилмаслик ҳақидаги келишувни имзолашини ҳам талаб қилмоқда. АҚШ маъмурияти ўз навбатида Шимолий Кореядан халқаро инспекторларни мамлакатга киритиш талабини олгасурмоқда. Бундан бир неча вақт илгарари Жорж Буш ҳужум қилмаслик ҳақидаги келишувни имзолашдан

бош тортган, аммо Шимолий Кореяга хавфсизлигини таъминловчи ёзма қафолат беришни ваъда қилган эди. Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги ўтган йилнинг августида бўлиб ўтган музокаралар натижасида туғалга, расмий Пхеньян бундай музокараларни ўтказишнинг ҳеч қандай маъноси йўқлигини айтганди. Халқаро кузатувчилар Шимолий Корея томонидан қўйилган бу қадамни катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашиб, режалаштирилган учрашув икки корей давлати ўртасида вужудга келган вазиятни юмшатишга хизмат қилишига умид боғлашмоқда.

Хуришд РАУПОВ.

Ҳукумат истеъфога чиқди

Тоға ҳам аъзо бўлиш арафасида. Репше маъмуриятининг истеъфога чиқишидан бир мундт олдин Латвия парламентини — Сейм давлат мактабларида болаларни факатлатиш тилида ўқитиш бўйича қўнун қабул қилганди. Бу эса нафақат ҳукумат вакиллари орасида, балки кўп миллилатли аҳоли ўртасида ҳам катта норозиликларга сабаб бўлди. Беш мингдан кўпроқ рус мактаблари ўқувчилари ва уларнинг ўқитувчилари Рига кўчаларида номийиш ўтказдилар. Болалар Президент қароғожини олишди.

шароитида у ўз ишини давом эттира олмаслигини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, бу мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳукуматга муҳолифат кучларнинг фикрича, бош вазири ўзига қулай шариот яратиш мақсадида истеъфога чиққан. Эндиликда илгари ҳукумат тарафида бўлган «Биринчи» партияси ҳам муҳолифатчиларни қўллаб-қувватламоқда. Марказий банкнинг 42 ёшли собиқ раҳбари Эйнарс Репше эса бу айбловни инкор этмоқда.

Эйнарс Репше истеъфога чиқиши муносабати билан маҳаллий телевидение орқали сўзлаб, Латвия ҳукуматининг тез-тез алмашинуви спортдаги каби одат тусига кириб қолганлигини айтди.

Юнус БҮРОНОВ.


Мина қидирувчи ўсимлик

Даниялик олимлар пиёдаларга қарши миналарни топадиган ўсимлик яратдилар. Ўсимлик илдизлари минага текканидан сўнг у ўз рангини ўзгартиради. Ерга кўмилган ва узоқ мундт сакланиб турган портловчи модда ишлаб чиқара бошлайдиган кимёвий модда таъсирида ўсимлик ранги кўкдан қизилга айналади.

Ўсимлик Arabidopsis thaliana деб номланиди. Унинг уруғи жуда арзон туриши билан биргаликда, 6 ҳафтада ўсиб чиқади.

Пиёдаларга қарши миналар ҳар йили дунёнинг 75 мамлакатиде 26000 га яқин одамнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Бу кашфиёт эса минглаб одамлар ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ ЖУРНАЛИ. КАК КУПИТЬ КОМПЬЮТЕР? ИМКОНИАТ БЕРУВЧИ АХБОРОТ ВА БИЛИМ! ҲАММА ИҚТИСОДИЙ ИШЛАРНИ ТАМОЙИЛ ВА МУАММОЛАР БЎЗОРЛАР ВА ҚОРҲОНЛАР ҲАҚИДА ИШОНЧЛИ АХБОРОТ ТАДБИРҚОРЛИК РИВОЖИ МАСАЛАЛАРИ ҲАМ ИҚТИСОДИЙ ЯНГИЛИКЛАРИ



Пулларни қўриқламай, уйда қандай сақлаш мумкин?

Пулларни уйда хотиржам сақлаш учун уларни American Express чекларига конвертациялаш кифоя.

Сизнинг имзоингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдаланишингиз мумкин. Йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйсангиз, сизнинг чекларингиз эмитент томонидан тикланиши (одатда 24 соат мобайнида) мумкин.

American Express — халқаро молия корпорациясидир. У 150 йилдан ортиқ мавжуд бўлиб, ҳар бир чекни ва ҳар йили муомалада бўладиган 300 миллион чекни таъминлайди.

Одамлар узоқ вақт мобайнида пулларини уйда ёки саёҳат пайтида сақлаш учун American Express йўл чекларидан фойдаланадилар. American Express чекларида пулларни сақлаш қулай.

Улар бутун дунёдаги миллионлаб молия ва кредит муассасаларида қабул қилинади.

Ўзбекистондан ташқарига йўл чекларини олиб чиқиб кетиш чекланмаган.

Турли номиналдаги American Express йўл чекларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг энг яқиндаги бўлимидан харид қилиш мумкин.

Диққат! Америка экспрессининг янги чеклари воситачилик ҳақисиз сотилмоқда.



American Express чеклари — ўзингизнинг нақд пулларингиздир. www.amex.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Кўшимча маълумотлар учун Ўзбекистоннинг истаган бўлим/филиалига мурожаат қилинг. Мулоқот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09. www.nbu.com Тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29.

Миллатнинг маънавий мураббийси

Маълумки, Алишер Навоий бадий ижодда насъулият билан ёндашади. Жумладан, шоир ишлатган ҳар бир сўз, ҳар бир бадий тимсол ўз бағрида теран маънолар ташийди, бу маънолар йўқ жойдан пайдо бўлиб қолмаган, балки инсоният маънавий тақомил жараёни билан узвий алоқадорликда шаклланиб бўлади. Биргина мисолга мурожаат қилайлик.

“Бадойиъ ул-бидоъ”нинг илк газали машҳур “Ашрақат”да шундай сатрлар бор:
Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир сингон сафол,
Жом ўлур готинамо, Жамшид ани ичган гадо.

Бу сатрларда май таъриф қилинган, ушбу майни ичган тиланчи Жамшид сингари улур ҳужмдор макомига кўтарилад экан. Ул май қўйилган қадаҳ эса бутун кионотни ўзига акс эттирувчи сөхри кўзгу сифатини касб этар экан. Бу қандай сирли ичимлик эканлиги ҳақида баҳс юритишдан аввал унга қадаҳ (жом) вазифини ўтган “сингон сафол” тимсолига эътибор қаратайлик.

Қуръони каримнинг “ар-Раҳмон” сураси 14-оятда Аллоҳнинг яратувчиллик қудрати “Халлақ-л-инсонна мин салсолин ка-л-фаҳор” (Абдулазиз Мансур хазратлари таржимасида “У инсонни сопол англик куруқ лойдан яратди”) деб ифода этилган. Ҳақиқатан, лутғаларда арабча “салсол” сўзи “куллолар ишлатадиган оқ (тоза) лой”, “фаҳор” сўзи эса чинни, сопол сингари кулчилик маъсулоти сифатида изоҳланган. Демак шоир ишлатган тимсол беҳуда эмас. Аммо нега энди бутун эмас, “сингон” сафол. Бу саволга ушбу девоннинг ўзида мукаммал жавоб мажбур. Унинг охирида машҳур бир таржибанд бўлиб, дастлабки бандида шундай бир рамзий саргузашт тасвир этилади.

Шоир маънода бир неча майпараст билан бир мuddат майхўрлик қилган, қўлига май солинган сопол қўзани олиб, манзили сари йўл олади. Йўлда сархуш кетаётса, уни бир гуруҳ “ихтисоб ахли”, яъни шаҳарликларни шарият қоидаларига қанчалик риоя қилишини назорат этувчи мухтасибнинг миришбандлари тугиб олиб калтаклашди, орада май тўла қўза ҳам синида. Шоир бағданига етган зарбалардан қўра қўза синганидан кўпроқ озорланди ва яна май исбат орқага қайтди. Шерининг биринчи банди (кейингилари ҳам) қуйидаги сатрлар билан ақунланди:

Харобат аро кирдим ошуфта ҳол,
Май истарга илтимад сингон сафол.
Таржибанднинг иккинчи банди бошланар экан, яна “Ашрақат”даги мазмун тақрирланди, фақат энди у мукаммалроқ ифода топган:

Сафол ичра бир журъа лойе манга,
Эрур жоми готинамоёе манга,
Кетурманка худбинлигим ранжини,
Қани бода янглиг давоёе манга.
Асар қаҳрамони учун ахлит қўзадан қолган бир парча “сингон сафол” юзасида агар бир кутлум май қуйгаси бўлса ҳам, шу қўйқа унга бутун жажони ўзида акс эттира олувчи кўзгу бўла олади. Шоир қандай “май” ҳақида гап кетаётганини ҳам ўзи изоҳлайди:

Сен гумон қилгандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайдин нафй этма бу майхона ахлин, зоҳидо.
Ҳақиқатан, ҳам тасаввуфда “майи ваҳдат” (ягоналик маъно) ташуунчиси бор. Шериятимизда кўп ишлатиладиган ушбу тимсолнинг пайдо бўлишига оид бир масалалар, назаримизда, ойдинлик киритиш зарур. Бунда яна Навоийнинг ўзидан қўмак истиёмиз. Юқорида тилга олинган таржибанд шундай бошланади:

Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт,
Анинг наъшасидин кўнгул эрди маст.
Шоир соқийдан шундай бир майни талаб қилмоқдаки, у кўнглини “субҳи аласт” даёқ ўз кайфи билан эгаллаб олган бўлсин. “Субҳ” сўзи тонг маъносини беради, аммо “аласт” нима? Оллоҳнинг китобига мурожа-

ат этамиз. “Аъроф” сурасининг 172-оятда “Аласту би-раббикум. Колу: Бало...” ибораси учрайди. Оятнинг тўлиқ мазмуни Абдулазиз Мансур таржимасида шундай берилган: “Раббимиз Одам ўғилларининг беллари (пушти камарлари)дан зурриётлари (руҳлари)ни олиб, уларни ўзларига гувоҳ қилиб туриб “Мен Раббингиз амасманми?” (деди). (Улар): Йўғе! (Раббимизсан!) Гувоҳлик бердик, -дедилар...”

Демак “Аласт тонги” тимсоли ҳали “қўза” бутун бўлган, яъни бани ба-шар ўз бобокалони Одам ато пушти камаридан ажралмаган илк даврдига ўз яратувчиси билан ахдлашувига ишора этмоқда. “Ваҳдат майи” ўша пайтда — инсониятнинг даставвал яратилиш асосида кўнглига ўрнашган муқаддас туйғу ҳақида дарак берувчи улур ташуунчадир.

Бу ташуунчанинг бугунги номи “Мехр”, Навоий даври тилида “Ишқ”дир. “Лайли ва Мажнун” достонида шундай сатрлар бор:

Эй ишқ, гариб кимийсен,
Бал ойинайи жажоннамосен.
Ҳам зотинга дарж кимийлик,
Ҳам ойинайи жажоннамоллик.
Хуришди жажонхуш сенен,
Мирзоти жажонханами сенен.
Ким қилди сенга назарни равшан,
Кўрди ору кўдганди муайян.
Чун боққали ихтиёр топти,
Ҳар сорики боқти ёр топти.

Яна ўша “сингон сафол”даги “бир журъа май” ҳақида гап кетмоқда, “жоми готинамо”, “ойинайи жажоннамо”, “мирзоти жажоннамо” барчаси бир тимсолнинг турлича ифодалари.

“Сингон сафол” - инсон кўнгли, ундаги “бир журъа май” - кўнглидаги меҳр булогидир. Бутун инсоният бир ота-онанинг фарзандлари қилиб яратилган, шундай экан, ҳар бир инсон кўнгли ахлит қўзанинг бир бўлағи, парчаси, уларни бирлаштириб турувчи “ваҳдат майи” эса инсонларнинг Яратувчи олдиди ваъдаси, бир-бирига бўлган меҳридир. Юсуф Ҳамадоний пайгамбаримиздан бир ҳадис келтиради: “Жоним қудрат қўлида бўлган Оллоҳ талога қасамки, ибмон келтирмагунингизча жаннатга киролмайсизлар, бир-бирларингизни севмагунча ибмонли бўлолмайсизлар...”

VIII-IX асрларда яшаган буюк имомларимиз инсонларга Мухаммад (сав) ибратларини йўли юлдуз қилиб кўрсатган бўлсалар, X-XI асрларнинг қомусий билим эгаллари, биринчи навбатда, ақлга, илмга таяндилар, мантқиқий тафаккури инсонга бахт келтирувчи омил деб қарадилар. Тасавуф пирлари ягона Ҳаққа интиқли, “Ишқи илоҳий”ни инсоният нажоткори деб талқин этидилар. Алишер Навоий ўз салафлари, маънавий устозларининг қарашларини рад этиш йўлидан бормади, у илоҳий китоб мазмунини чуқур ўзлаштирди. Ҳадиси шарифлар ибратини эъзозлади, ақлни, илм ва тафаккурни улуглади, ирфоний гоиларга самийий эҳтиром билан ёндашди. Буларнинг барчасини тасдиқлаган ҳолда инсоний меҳр тараннумини ўз ҳаётининг баш мазмунига айлантди, ўзгаларга меҳр-шафқатни инсоний ибмоннинг етакчи мезони сифатида талқин этди. Бугун биз меҳр-муруватни ҳаётимизнинг бош тамойили қилиб олаётган эканмиз, улур мураббийнинг машҳур байтларини яна бир эслаб ўтмасак бўлмас:

Кимки бир кўнгли бузқунинг хотирини шод айлағай,
Онча борким Қазба вайрон бўлса,
Обод айлағай.
Мухаммадҷон ИМОННАЗАРОВ,
филология фанлари доктори.

“Олимпиадаларда ўқувчи қўйилган баҳо — шу фан муаллимига баҳоқидир. Илм даргоҳининг мазкур билимлар синовида эгалланган ўрни шу мактабда олиб бориладиган таълим-тарбия ишининг даражасини белгилайди”, деган гапларни истаган қишлоқ, шаҳар мактабда эшитишимиз мумкин. Шу мезондан қилиб чиқиб, ўқитувчининг, илм

масканининг савиясига баҳо қўямиз: “Бу ўқитувчи зўр ишлайпти, ундан ҳар қанча тажриба ўрганасан, оз. Афсуски, мана бу мактаб олимпиадада энг қуйи погонани эгаллади. Демак, бу жойда ўқувчиларга яхши билим берилмайдими”. Муаллимларга тоифаларни шунга қараб белгилаймиз. Эҳтимол бу фикрга бир томондан қўйилиши мумкин, аммо иккинчи томондан...



Фанлар олимпиадаси? билимлар синовими ёки ўқитувчилар пойгаси

Олимпиадаларнинг синф босқичи, тўғриси айтганда, умуман ўтказилмайди. Ўқитувчи ўз ҳолича танлов қилади: “Яқинда олимпиада бўларкан, сен палончи, мени фанимдан қатнашасан”, тамом-вассалом! Ахир бу синфда унинг фанига қизиқадиган бошқа ўқувчилар ҳам бордир? Айнан ана шу фандан ўз билимларини синиб қуришни истар? Бу инобатга олинмайди.

Навбат туман ёки шаҳар босқичига келганда мактабларга “ўт тушади”. Раҳбарлар муаллимларга баралла хитоб қилишади: — Кимнинг ўқувчиси паст натижа кўрсатиб, мактабнинг қуйи ўринларни эгаллашга сабабчи бўлса, мендан ҳафа бўлмасин. Бутун куч, билим, тажриба юқори ўринларни эгаллаш учун сафарбар қилинсин! Ўқитувчилар “тайёргарлик”ка зўр беришади: туманга югуришади, таниш-билиш, ошана-оғайни, амма, тога, ходаларини ишга солишади... Мактабда баҳа-радиған иши навбатдаги босқичда қатнашадиган биргина ўқувчиси билан бериш, таниш-билишларидан топиб келган синов саволлари, масалалар билан таништириш бўлади. Балки, бу ўқитувчи айтилади, бир эмас, 5 ёки 6 та синфга дарс берар, уларда қандайдас 150-200 ўқувчи сабоқ олар? Бу ўқувчиларнинг тақдирини ўқитувчи унча қизқирмайди, яъни уларга билим бериш иккинчи, учинчи даражада ишга айланган қолди. Чунки муаллимнинг қандайдар бериши, юқорида айтилгандай, биргина ўқувчининг натижаси, мактабда умум таълим-тарбиянинг сифати олимпиада натижалари билан белгиланади. Муаллим икки ой (агар ўқувчиси шаҳар ёки вилоят босқичига ўтиб қолса, бу мuddат 3-4 ойга чўзилиши ҳам мумкин) асосий машғулот билан шуғулланмаса ҳам майли, ўқувчиси юқори ўринларни эгаллаш шарт. Натижада, ўқувчиларнинг билимлар синови эмас, ўқитувчилар ўртасидаги пойга авж олади.

Аслида, бошқа юзлаб ўқувчининг билими аро йўлда қолиб, бир шогирдининг олимпиадада эришган натижаси ўқитувчининг фан

олиятига қўйилган баҳо бўлмаслиги лозим. Шу ўринда ўқув иили охирида ўқувчиларга анкеталар тарқатиларкан. Ўқувчи бу анкетга ўз исми-фамилиясини ёзмай, фан ўқитувчиларининг билим беришига, дунёқарашига, тажрибасига ҳамда малақасига, шогирдлари билан муомаласига баҳо қўйишаркан. Ана шу баҳо ўқитувчининг тоифаси ва иш ҳақини оширишга, унинг турли мукофотларга тавсия қилинишига асос қилиб олинаркан. Бизнингча, атрофича ўйлаб қўриб, амалда қўлласа бўладиган тажриба. Чунки қўллаб шогирдларнинг қўйган баҳоси, биргина ўқувчи олган баҳодан ҳар томонлама афзал.

Синовми, синдириш?

Бу йилги олимпиадаларнинг қандай ўтаётгани билан қизиқиб, Тошкент шаҳар босқичи билан танишмоқчи бўлдим. У Мирзо Улугбек туманидаги Информатика касб-хўнар коллежи биносида ўтказилётган экан. Олимпиада — билимлар байрами, шу боис бизнинг хаёлимиздан: коллеж шунга мослаб безатилган, қатнашчилар ҳовлида саф тортишган, шаҳар Халқ таълими бошқармасидан келган босқичи билан таълим бери: “Хурматли ўқувчилар! Сизларни фан олимпиада-ларининг синф, мактаб, туман босқичларида голий чўққанларин билан табриқлаймиз. Олимпиаданинг шаҳар босқичида ҳам омад ёр бўлишини тилайман!” дея нутқ сўзлаб, ўқувчиларни янги муваффақиятлар

салбий таъсир қилади... Очиги, биз ҳам бундай ҳолатни кутмаган эдик. Албатта олимпиадани ташкил этиш осон иш эмас. Лекин насъулият ҳам шунга яраша бўлмоғи, “Олимпиада — билимлар байрами” деганимиздан кейин, байрам байрамдек бўлиши керак-да. Бундай пайтда ҳаёдан беихтиёр пойтахтда аҳоли шунчалик экан, вилоятларда бу жарён қандай ўтаётти экан, деган фикр ўтиши та-

Фанлар олимпиадаси? билимлар синовими ёки ўқитувчилар пойгаси

бий. Балки сиз, ҳа, энди бу масаланинг ташкилий томони, камчилик бўлиши мумкин дерсиз. Биз ҳам буни ваҳима қилаётганимиз йўқ. Аммо, бу ҳолатда ўқувчиларнинг ўз билимларини тўлиқ номоён эти олади, деб ким қаролта бера олади? Ўз кўзи билан қўриб турган ота-оналарда бу лоқайдлик қандай тассурут қолдиради? Коллеж директори ўринбосарининг айтишича, бундай насъулият тадбирининг ўтказилиши тўғрисида улар атиги бир кун олдин хабар топишган.

Нихоят, 11-синфлар учун математиканинг синовлар бошланди. Аммо, топшириқларни бажариш учун тўрт соат вақт ажратилган бўлса-да, негадир орадан кўп ўтмай ўқувчилар бирин-кетин чиқиб кела бошлади. — Қалай, яхши топшириқларингизми? — сўраймиз улардан.

Икки ўқувчи саволимизни жавобсиз қолдириб, беҳафсала қўл ситпаганча жўнаб қолди. Суриштирсак, масалаларга кўз ташлашиб, еча олишларига қўзғалиш етмай, оппоқ қоғозни ташлаб чиққан экан. Учинчиси: — Иккитасини еча олдим, —деб жавоб берди қомушроқ. — Тайёргарлик унчалик бўлмаганидир? — Уч йилдан буён репетиторга қатнаймай, тайёргарлигим жуда яхши эди. Аммо берилган масалалар ҳаддан зиёд мураккаб. Мактабда бундай масалаларни умуман ўтмаганимиз, ечаганимиз. Берилган топшириқларни ёзиб олдим, устозимга ҳавола қилмоқчиман. Биз уларнинг бу гапини “ўзларини оқлашайпти”га йўдик. Аммо унда берилган масалалар вариантлари би-

бўлмаслиги керак-ку? Олимпиада синовларида юксак талаблар қўйилишидан, билим савияси юксак ўқувчилар қўйилишидан мамнунимиз. Лекин ўқувчилар ўртасидаги фан олимпиадалари мактаб дастурлари бўйича ўтказилиши, уларда ўз билимининг намойиш қилмадан деб борган ўқувчилар синиб қайтмасликлари лозим, деб ўйлаймиз.

Кимини ўйлантирадиган яна бир ҳолат: туман, шаҳар босқичларида мактаб, лицей, коллеж, маҳсул масабларнинг ўқувчилари бирдай имтиҳон топширишади. Ахир уларнинг дастурлари бир хил эмас-ку? Масалан, мактабларда она тили фани ҳафтасига 5 соат ўқитилса, коллежда 3 соат, лицейда 2 соат, маҳсул мактабда 10 соат ўқитилиши мумкин. Уларни битта қозонга ташлаб, ҳаммасидан бир хил нарсани талаб қилиш адолатдан бўлмас керак.

Бизнингча, олимпиадалар лицей, коллеж талабалари ўртасида алоҳида, мактаб ўқувчилари учун алоҳида ўтказилса, Республика босқичидан сўнг бу икки гуруҳ голийлари ўртасида супер олимпиада ўтказилиб, улардан жаҳон олимпиадасида қатнашадиган ўқувчилар сараланиб олinsa, мақсада мувофиқ бўлади. Бизнинг мулоҳазаларимизга кимдир қўшиллар, кимдир қўшилмас. Аммо гап фарзандларимиз таълими ҳақида кетар экан, бу соҳа ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги керак. Келажакимизнинг буюк бўлиши ана шу ёшларимизнинг бугунги олган билимига боғлиқ.

Саид АНВАР,
Рустам БОЙТУРА,
“Халқ сўзи” мухбирлари.

«Дард» шунингдек, аёлга нисбатан ҳурмат, ёмонликнинг жазоси қолмаслиги каби ибратли эпизодларга ҳам бой. Фильм шунчаки

Кўнгли очиб унча эмас, у анча жиддий бўлиб, томошабинни ўйлашга мажбур қилади, дейди бош роль ижрочиси Рустам Каримов. Янги фильм томошабинлар томонидан илтиқ кутиб олинди. Мўстақ ОХУНОВА.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Икки халқ адабий алоқалари
СамДУда “Адабиёт маърифати” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда ўзбек ва тоjik адабий-тарихий алоқалари соҳасида йиллик тадқиқотчи олим, доцент С. Ҳалимовнинг хизматлари алоҳида эътироф этилиб, маъжуд ютуқ ва муаммолар ҳусусида сўз юритилди. Ийгилишини СамДУ ректори вазифиниси ба-жарувчи профессор М. Мухиддинов қисқача кириш сўзи билан очди. Академик Б. Валихўжаев, тоjik филологияси факультети декани Ж. Ҳамроев ва кафедра мудири А. Самадовларнинг маърузалари иштирокчиларга мақбул бўлди. Меҳр ва муруват йили бошларида уюштирилган ушбу тадбир икки қардош халқ ўртасидаги дустлик ва ҳамкорлигини янада мустақкамлайди. Ҳ. мухбиримиз.

“Lok Kolor Sintez” корхонасида янгилик
Пул маблағларингизни оқилона ишлатинг!
БИНОЛАРНИНГ ОЛД ТОМОНИ УЧУН СУВ БИЛАН АРАЛАШТИРИЛАДИГАН АЖОЙИБ МАТЕРИАЛЛАР КОМПЛЕКСИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.
«ПЕНЕТОН» шимдиргичи силикатли пойдеворлар тешикчаларига чуқур кириб бориб, уларнинг уст қатламини пишқ ва мустаҳкам қилади ҳамда сувни ўзига тортишини камайтиради.
«БИНОГРУНТ» грунтоткаси бўёқнинг бетонга бўлган адгезиясини яхшилайтиди ва бўёқнинг сарфланишини камайтиради.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Фаргона йўли» кўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94, факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor@online.ru

ДҶОҶОН ВА СУПЕРМАРКЕТЛАР
Учун куйидаги САВДО УСКУНАЛАРИ тақдими этилади:
ВИТРИНА МУЗЛАТТИЧЛАРИ;
САВДО РАСТАЛАРИ;
ИДОРЛАР УЧУН БУЮРТМА МЕБЕЛЛАР;
ВА БОШҚА ХИЗМАТ ТУРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ
ПУЛ ТАРҚАТИШ ШОХОБЧАЛАРИ
Компьютер безаклари
Манзил: Усмон Носир кўчаси, 110
Тел.: 53-23-19, 50-83-05.
Маълумотнома хизмати: 120-09-09.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Мухиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 374. 33013 нускада босилди, ҳаққи — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Колл. битими А-2
Газета ИВМ компьютерда тарқалди ва оператор Жамал ТОҶАЕВ томонидан саҳифаланди.
Тахриратга ҳаққи 5 қоролдан эиба материаллар қабул қилмайди.
[1]—Тизорат материал

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Саидов.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Муваҳхад — Ш. Машраббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 2 3 4 5 6